## Сўранг, жавоб берамиз

**Фуқаронинг вафотидан сўнг кимлар меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга?**

**Х.Маннопов, ишчи.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига кўра мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин туғилган болалар васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

* * *

**Мен ўз автомашинамни бошқариш учун яқин қариндошимга нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан берган эдим. Ишончнома муддати ҳали тугамаган, мен уни вақтидан илгари бекор қилишим мумкинми?**

**М.Рўзиев, муҳандис.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141-моддасига кўра ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин. Бунда сиз ишончнома расмийлаштирилган нотариал идорага мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

**Турмуш ўртоғим билан 10 йил бирга яшаб уч фарзандлик бўлганимизда ажрашиб кетдик. Учинчи фарзандим эса ногирон, у доимий парваришга муҳтож. Айтингчи, мен турмуш ўртоғимдан қўшимча нафақа олишим мумкинми?**

**Ф.Усмонова, ҳамшира.**

Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 103-моддасига кўра ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шартлиги белгиланган. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота-онадан суд тартибида нафақалар мажбурий тартибда ундириб олинади.

* * *

**Фарзанд тарбияси билан банд бўлган оналарга нисбатан тўлиқсиз иш вақти белгиланиши ва қўшимча дам олиш куни берилиши мумкинми?**

**Д.Рўзиева, ҳамшира.**

Меҳнат Кодексининг 229-моддасига асосан, ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор бўлган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг, шунингдек, оиланинг бетоб бўлиб қолган аъзосини парваришлаш билан банд бўлган шахснинг (ходимнинг) илтимосига кўра ҳамда тиббий хулосага мувофиқ иш берувчи уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Тўлиқсиз иш вақтида ишлаган ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди. Меҳнат Кодексининг 119-моддасига кўра тўлиқсиз иш вақтида ишлаганлик учун иш ҳақи ишланган вақтга ёки бажарилган ишга (ишлаб чиқарилган маҳсулотига) мутаносиб равишда тўланади.

Қўшимча дам олиш куни тўғрисида шуни таъкидлаш лозимки, ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойда бир кунлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш куни берилади.

Ушбу имтиёз Меҳнат Кодексининг 230-моддасида белгилаб қўйилган.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 113-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

Дам олиш кунлари келиши билан бир гуруҳ ижодкор-талабалар баҳор ва уйғониш фасли — Наврўз шодиёнасига табиат қучоғида тайёргарлик кўриш учун пойтахт вилоятининг тоғли қишлоғига йўл олдик. Теварак-атрофдан ўтин йиғдик, ўчоқ қаздик. Шу қишлоқлик курсдошимизнинг қариндош-уруғи, қўни-қўшнилари бош-қош бўлиб сумалак пиширдик. Очиқ ҳавода, чарақлаган юлдузлар остида, сумалак қайнаётган қозон тепасида шеър-шеърга, лапар-қўшиққа, хурсандчилик-хурсандчиликка уланди. Бир йўла Наврўз тантанасига бағишланган сценарийимизнинг амалдаги ижросини эл назаридан ўтказиб, кам-кўстини пухталаб маромига етказиб ҳам олдик.

Якшанба кечқурун бир олам таассуротлар билан... ва каттароқ идишларда сумалак олиб шаҳарга қайтдик. Метрога тушганимизда, тартиб посбонлари гуруҳимизни тўхтатиб, идишларда нима борлиги билан қизиқишди. Биз ўзимиз пиширган сумалакдан олиб келаётганимизни, дорилфунунимизнинг байрам дастурхонига улашмоқчи эканимизни айтишга ва уларни меҳмон қилишга шошилардик. Шу пайт йўлакда бошлиқ пайдо бўлди. У тўгарак раҳбаримизни суҳбат учун ичкарига таклиф этди. Домламиз қайтиб чиққанида юз-кўзида байрам кайфиятидан асар ҳам қолмаганди. Сўраб билганимиз шу бўлдики, Наврўз тақиқланибди, сумалак ман этилибди...

Асрлар бўйи халқимиз, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон орзиқиб кутадиган хурсандчилик, гўзаллик ва нафосат айёми — Наврўзнинг яқин тарихи, совет даври билан боғлиқ шунга ўхшаш воқеаларга биз тенги ва ёши биздан улуғроқ юртдошларимизнинг аксарияти кўп гувоҳ бўлган.

Шундай замонлар ҳам ўтдики, халқимиздан бу муътабар байрамни олмоқчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллатимиз ёдидан ўчирмоқчи бўлдилар. Истиқлол насимлари эса Наврўз атрофидаги мафкуравий тақиқларни буткул тарқатиб юборди. Умуммиллий байрамимизни нишонлашга қарши қаратилган барча ғов ва тўсиқлар барҳам топди. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизга Наврўз қайтди.

Шу ўринда Ислом Каримов 1990 йил 2 майда имзолаган тарихий ҳужжат — «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида»ги Фармонга тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Фармоннинг тарихий аҳамияти шундаки, аввало, ушбу ҳужжатда Наврўзнинг тиклангани, бу қадимий халқ байрами тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олгани таъкидланади.

Фармонда қайд этилганидек, Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, одамларнинг тинчликка ва яхши қўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари мужассам экани унинг тикланиши учун қудратли омил бўлди.

# НАВРЎЗ ВА ИСТИҚЛОЛ

**Бундан қарийб йигирма йил муқаддам, айни шу кунлар — Наврўз арафаси. Биз таҳсил олаётган олий ўқув юртида байрам тантанаси ўтказиладиган бўлди. Фаол ёшлар — ижодга, санъатга ошно талабалар тўгарак раҳбаримиз бошчилигида бадиий тадбир учун масъул этиб белгиландик.**



Наврўзнинг инсоний ва байналмилал моҳияти ҳам ана шундадир.

Энг муҳими, Президент Ислом Каримов бундан ўн беш йил илгари имзолаган ушбу Фармонда Ўзбекистон аҳолисининг хоҳиш-иродасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқнинг чинакам тараққиёти ва гуллаб-яшнашини таъминлаш, унинг маънавий имкониятларини бойитиш зарурлигига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар йили 21 мартни дам олиш куни ва Наврўз байрами куни, деб эълон қилинди.

Мазкур Фармонда Нав-рўзнинг байрам қилиниши чинакам умумхалқ сайилга айланганига алоҳида урғу берилган.

Наврўз сайли — халқ майли, дейдилар. Наврўз юртимизда азалдан халқ хоҳиш-иродасига кўра оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган. Ушбу улуғ айём муносабати билан ҳар гал сайҳон бир гўшага халқ сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар ўз санъатини намойиш этган. Ишқибозлар бир чеккада кучкорлар жангига, бошқа бир қурда хўроз уриштириш томошаларига тўпланганлар.

Катта сайиллар — улоқ чопиш, от пойгаси, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Бундай тадбирларда нонвойлар жиззали сўлқилдоқ нону кулчалари билан, қандолатчилар ҳолва, новвот, парварда, попук қанд каби ширинликлари билан хизматда бўлган. Палов, шўрва, норин, нўхатшўрак, сомса, кабоб каби одатдаги овқатлардан ташқари, дўлма, ялпиз, кўк пиёз, бошқа кўкатлар солинган кўклам таомлари пиширилган ва элулус билан бирга баҳам кўрилган.

Наврўз таомлари орасида сумалак алоҳида ўрин тутади. Сумалак сайли — Наврўзнинг ана шу таомини тайёрлаш ва сумалакхўрликка бағишланган маросимдир. Бунда сумалак қозони атрофида суҳбатгурунглар қизиган, қўни-қўшни, элулус ҳикоялар, эртаклар ва латифалар айтишган, ўйин-кулги қилишган. Сумалак тайёр бўлгач, бутун маҳалла аҳли сумалакхўрлик қилиш учун сумалак сайлига таклиф этилганлар. Бу сайиллардан ҳеч ким четда қолмаган. Сайил ҳазил-мутойи-ба, хурсандчилик билан ўтган. Минг йиллар давомида нишонлаб келинаётган сумалак сайли ҳозирги кунда ҳам кишиларни ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликка чорлайди.

Яна бир сайил — экин сайли. Наврўз дала ишлари мавсумининг бошланишига бағишланган байрам бўлгани учун, байрам кунлари далага қўш чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросими ўтказилган. Шу кунлари яхши ният билан ерга уруғ қадалган, гуллар, кўчатлар экилган, ободончилик ишлари кенг авж олган. Юрт оқсоқоллари янги йилнинг баракали, янги меҳнат мавсумининг сер-ҳосил келишини тилаб дуода бўлганлар.

Наврўзни тиклашнинг замирида аслида ҳам унинг аввалги кўрку жамоли, мазмун-моҳияти, ғояси ва руҳини қайта тиклаш, унинг тимсолида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг энг яхши анъаналари, санъати, дўстлиги ва бирoдарлиги ўз аксини топган оммавий шодиёна — халқ сайли намоён бўлишига эришишдек эзгу мақсад мужассам. Биз мураккаб синов даврларида ҳам шундай қадимий урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб, эъзозлаб келган аждодларимизнинг буюк фазилатларига ҳамиша содиқ эканимизни муносиб даражада намоён эта олдик.

Мустақиллик йилларида Ватанимизда миллий қадриятларимизни янада камол топтириш, юртдошларимизда ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарнинг давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланди.

Истиқлол туфайли Наврўз юртимизда наинки қайта қарор топди, айни чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, мазмун-моҳияти бойиб борди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари янада сайқал топди. Бир сўз билан айтганда, бугун Наврўз минг йиллар олдинги аждодларимиз каби халқимиз эмин-эркин, шод-хандон нишонлайдиган азиз айём, элимизнинг оммавий сайли сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача тароват касб этди.

Шу кунларда мамлакатимизда ушбу латофатли айёмга қизғин тадорик кўрилмоқда. Бу галги байрам диёримизнинг барча гўшаларига ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда — халқ сайли тарзида бўлиб ўтади. Эндиликда Наврўзни ота-боболаримиз каби гавжум сайилгоҳларда нишонлаймиз. Юртимизда шодиёналар байрамга уланади.

Ҳа, юртимизга яна Наврўз келмоқда, она диёримиз фусункор тароват ила безанмоқда, халқимиз катта сайилга шайланмоқда. Илло, Истиқлол шарофати билан Наврўз байрами, Наврўз сайли Ўзбекистонимизга, халқимизга мангу қайтди. Энди келгуси минг йилларда ҳам, юрт шоирлари лутф қилиб, ҳофизлари хониш этганидек, «Наврўз қайтиб келаверади!»...

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**





*Танловлар*

## БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

**Фасли навбаҳор оламни безаб борлиққа гўзаллик бахшида этмоқда. Ҳозирда Наврўзи оламни муносиб кутиб олиш учун шаҳримизнинг барча гўшаларида қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Шарқона қадриятларимизни, анъаналаримизни, ўзбекона урф-одатларимизни қамраб олган тадбирлар, бадиий кечалар, турли хил танловлар ўтказилмоқда.**

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги Ўқувчилар ижодиёт марказида "Соч ҳам ярим ҳусн" мавзусида "Балли, қизлар!" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур танловда тумандаги жами 8 та мактабнинг ўқувчи-қизлари иштирок этди.

Танлов 5 та шартдан — танишув, мазали таом тайёрлаш, уй вазифаси, соч ҳам ярим ҳусн ва эркин мавзулардан иборат бўлди.

— Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди Ўқувчилар ижодиёт маркази услубчиси Ширмоной Асранова, — ёш қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, миллий удумларимизга содиқ бўлиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Ушбу танлов замирида эса эзгулик ва нафосат мужассам.

Дарҳақиқат, танловда қизлар бор маҳоратларини намойиш этдилар. Улар шартларни бажаришар экан, ўзбек қизларига хос назокат, латофат, моҳирлик, пазандалик, чеварлик хусусиятларини тўлалигича намоён қила олдилар.

Танловда ҳайъат аъзолари томонидан биринчи ўринга 112-мактаб ўқувчиси Феруза Тўлабоева, иккинчи ўринга 18-мактаб ўқувчиси Манзура Суюнова, учинчи ўринга эса 49-мактаб ўқувчиси Саодат Очилова муносиб деб топилди.

Тадбир сўнгида ғолиба қизлар Ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Фаридуддиндан сўрадилар:

— Одамларни ўзингдан узоқлаштирмасликнинг чораси нима?

У деди:

— Чидам ва мулойимлик!

Яна ундан сўрадилар:

— Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади?

У яна:

— Чидам ва мулойимлик билан, — деб жавоб берди.

● Дўстларга ҳеч қачон озор берилмайди. Душманлар билан муомала қилинганда эса ақл ва инсоф чегарасидан чиқмаслик керак.

● Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ! Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийим ҳунардан ҳосил бўлади! Ҳунар яширин хазина! Куни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан! Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мададкорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири — ишламасдан бировлар инъом-эҳсонига таъма кўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қораланганлар. Эл орасида беқадр бўлганлар. Касбу ҳунар эгаси таъмадан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз қўл меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

● Билгинки, ҳунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Ҳар қандай ҳунарманд киши ўз ҳунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтадики:

**Кишида бўлмаса**
**фазлу ҳунардан,**
**Ундайнинг сувратдан**
**нима фарқи бор?!**
**Ҳунар дунё тўплаш**
**учун эмасдир,**
**Ўзгалар кўнглини**
**шод қилган такрор!**

● Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга рози бўлади. Ўзига ҳаддан зиёда бино қўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Биров савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ҳам ўтказади.

## Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими бошқармаси
# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сон "Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Тошкент Агротижорат касб-ҳунар коллежи, Мелиорация ва сув хўжалиги коллежи, Электротехника тиббиёт коллежи, Й.Охунбобоев номли республика тиббиёт коллежи, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Раҳимов академик лицейи, Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи, Тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи, Юнусобод Машинасозлик касб-ҳунар коллежи ва Олимпия захиралари коллежларига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.**

**Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.**

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий - услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4х6 ўлчамли 6 дона фотосурат
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
10. ИИББ ёки ИИВ дан маълумотнома

**Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34**

## «ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки

**2005 йил 18 мартдан**

## Диққат! Диққат!

**КУТИЛМАГАН ВОҚЕА**
Тошкент Давлат циркида
**ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ**
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
**РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ**
18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.
**Маълумотлар учун телефонлар:144-35-91,144-29-04, 144-32-23.**

«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил II чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини
**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**
- шакар
- сариёғ
- биринчи тоифали музлатилган мол гўшти
Тендер таклифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9-00 дан 17-00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

**Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2005 йил 29 март, соат 17-00 гача.**

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:
- ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:
гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, ловия, мош;
- ёғдаги балиқ консервалари;
- қуюлтирилган сут.

**СОТИЛАДИ**
2-Қорасув мавзесида жойлашган 5 хонали квартира сотилади. Телефонлар: 65-23-66, (8-362) 293-12-13.

**СОТИЛАДИ**
«Ёшлик» метро бекати атрофида жойлашган 3 хонали уй сотилади. Телефонлар: 45-32-08, 78-42-65.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманида жойлашган "Али Акбаршоҳ" хусусий фирмасига чакана савдо учун 2003 йил 28 апрелда берилган серияси XIII-007307, рўйхат рақами 448/05 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототоранспорт воситаларининг очиқ ким ошди савдолари ўтказилади.**

**2005 йил 12 апрель кунида қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. "Мерседес-бенц" автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 030, бошланғич нархи 2 630 182 сўм, техник носоз;
2. "Хундай-Соната" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 396, бошланғич нархи 3 500 000 сўм, техник соз;
3. "Хундай-Соната" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 354, бошланғич нархи 3 600 000 сўм, техник соз;
4. "Хундай-Соната" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 355, бошланғич нархи 3 500 000 сўм, техник соз;
5. "Зил-130А" автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 X 90-13, бошланғич нархи 751 280 сўм, техник носоз;

**Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**
**Маълумот учун телефонлар; 144-54-08, 41-16-38.**

*Янги нашрлар*

# ҚАЛБДАН СЕВГИ ТОШДИ

**Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилмоқда. Бу борада кўп тадқиқотлар, монографиялар, китоб, рисолалар, илмий мақолалар ёзилган. Чунки адиб ижоди ажиб жавоҳирларга бой денгизни эслатади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2005 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 100 йиллиги кенг нишонланади.

Шу муносабат билан «Янги аср авлоди» нашриёт матбаа марказида яқинда «Қалбдан севги тошди» деб номланган янги китоб нашр қилинди. Китоб муаллифи филология фанлари доктори Раъно Иброҳимова бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда тайёрланди.

«Қалбдан севги тошди» деб номланган янги асар ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ҳисса қўшган атоқли ва ардоқли адибимиз Ойбекнинг қутлуғ бир асрлик юбилейи муносабати билан тайёрланди ва буюк ёзувчимизнинг қутлуғ тўйига муносиб армуғон бўлиши қувончлидир. Китобга киритилган мақолалар, хотиралар Ойбек характерига, ҳаёти ва ижодига оид чизгилардан иборат. Шунингдек, ёзувчининг оиласи, дўстлари даврасида турли йилларда тушган расмлари ҳам китоб саҳифаларидан ўрин олган.

Машҳур рус ёзувчиси Николай Тихонов, филология фанлари доктори Ҳомил Ёқубов, адабиётшунос олима Зоя Кедрина, адабиётшунос олим Жуманиёз Шарипов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Матёқуб Қўшжонов, Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ойбекнинг рафиқаси кимёгар олима Зарифа Саидносирова, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб илиқ хотиралар китобхонни ўзига жалб қилади.

Ойбекнинг фарзандлари ва яқинларининг дил сўзлари, ёрқин хотиралари ҳам мазкур китобга киритилган.

Китоб саҳифаларини варақлар экансиз қалбингиз жунбушга келаверади. Чунки ҳар бир сатрда адибнинг инсоний фазилатлари, яратган асарлари, истеъдоди ва билими жонли қилиб ифодаланган.

Мазкур асар Ойбек ижодининг янги қирраларини очиб бериш билан бирга адиб сиймосини хотирамизда яна бир бор тиклашга ёрдам беради деган умиддамиз.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**

# СОВҒА — ДИЛ РАМЗИ

Қодиржон бир қучоқ гул билан эшикдан хурсанд кириб келди. Гулни кўриб хотини Малоҳатнинг энсаси қотди.

— Вой, бу нима?

— Гул. Сенга. Байрам билан табриклайман, хотинжон.

Қодиржон чиройли қилиб дасталанган гулни Малоҳатга тутди.

— Нима қиламан буни, — деди истар-истамай гулни қўлига олган Малоҳат. — Озиб-ёзиб йилда бир марта келадиган байрамга ҳам совға деб, мана шу матоҳни кўтариб келдингизми?

—Ахир аёллар учун гулдан яхши совға борми хотинжон, — ҳазил-ҳузул қилган бўлди Қодиржон.

— Гулингизни ўша ўзингиз ёқтирган аёлингизга олиб бориб беринг, менга керакмас, — қўлидаги гулни столга улоқтирди Малоҳат.

Қодиржоннинг кўнгли дарз кетди. Ғалати бўлиб хотинига термулиб қолди.

— Хонадонингизга келин бўлиб тушганимга беш йил бўляпти. Ҳамон ўша тўйда қилган тўртта кўйлагингизни оқартириб кийиб юрибман. Ҳа, ҳеч бўлмаса йилда бир марта келадиган байрамда ҳам хотинингизни тузукроқ совғага арзитмадингизми? Дугонам Ҳавохоннинг эри байрамга хотинига янги «Матиз» машинасини совға қилибди. Сабоҳоннинг эри чет элнинг қимматбаҳо тилла маржонидан олиб берибди. Қўшнимиз Саидахоннинг юрадиган йигити тилла соатни занжири билан ҳадя этибди. Сиз бўлсангиз... Пешонам бунча шўр бўлмаса...

Малоҳат ҳўнграб йиғлаганича уйга кириб кетди. Қодиржон айвонга қатор териб қўйилган стуллардан бирига ўтирганича хаёлга чўмди.

Бундан бир йил олдин худди шундай байрамда онасига ёқут кўзли зирак ҳадя этганди. Онаси қанчалик хурсанд бўлмасин, ўша зиракни барибир тақмади. Кунлар ўтиб Қодиржон шу ҳақда сўраганида онаси:

— Совғанг учун раҳмат болам. Ўша зиракни бўлажак келинимга атаб олиб қўйдим, — деди кулиб.

— Келинингизга ҳам насиб қилгани бордир ойи. Бу совға сизга, тақиб олинг, хафа бўламан, — деди Қодиржон онасига астойдил илтимос қилиб.

— Болажоним, — деди онаси шунда, —қулоғимдаги зиракни кўряпсанми? Уни отанг раҳматли туғилган кунимга ҳадя қилган. Йиллар бўйи уни қулоғимдан туширмай келаман. Гўё уни ечиб, бошқасини тақсам худди отангнинг руҳини ранжитгандек бўламан. Дилдан ҳадя қилинган совғанинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайди болам.

Чиндан ҳам орадан қанча йиллар ўтдики, ҳамон онаси отаси ҳадя қилган мана шу жез зиракни авайлаб-асрайди. Уни ҳеч қачон қулоғидан олган эмас. Ҳатто уни ёқут кўзли зиракка ҳам алмаштиришни хоҳламади. Мана буни садоқат деса бўлади. Мана буни эрга бўлган ҳурмат, совғанинг моҳияти, қадрқимматига етиш деса бўлади.

Малоҳатнинг уйидан кийиниб чиқиши Қодиржоннинг хаёлларини тўзитиб юборди.

— Ҳа, йўл бўлсин, —деди у хотинига ҳайрон ҳолда қараб.

— Ойимникига кетаман. Битта тузукроқ совғачалик қадрим бўлмаган уйда нима қиламан.

Ана холос. Қодиржон ўша гулдастани кўнгиллаб харид қилган эди. У хотини бу анвойи гулларни кўриб хурсанд бўлганидан худди мана шу шаффоф гуллардек гулгун очилиб кетишини хаёлига келтирган эди. Ҳозир эса бунинг аксини кўриб турибди. Айб кимда ўзи? Хотинидами ёки унинг совға харид қилишдаги нўноқлигидами, ё бўлмаса анави стол устида сабил қолиб ётган гуллардами? Мана шунисига у ҳайрон эди.

# КИТОБ ТУТГАН ҚЎЛ

Тушлик қилиб ўтирардик. Икки йигит тепамизга келиб қўлидаги китобларни кўз-кўз қила кетди.

— Мана буниси жиноятчилик ҳақида, манавиниси севги ҳақида, бу бориб турган саргузашт. Уни ўқисангиз дунё кезгандек бўласиз.

Қўлидаги китобларга таъриф бераётган бу инсонлар мана шу манбаларни ўзлари ўқиб чиққанларми, йўқми билмадик. Лекин шундай нодир асарларни маст-аласт кишилар қўлида кўриб ранжидик.

Бобокалонларимиз (уларнинг руҳлари шод бўлсин) беҳудага китобни офтобга таққосламаган. Чунки офтоб танамизга қанчалик ҳузур-ҳаловат, куч-қувват бағишласа, китоб ҳам шунчалик ҳарорат ва руҳий қувват беради. Модомики, шундай экан, ҳар бир инсон учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқ. У ширин бир ҳамдамдирки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. У шундай дўстдирки, киши дилини оғритмайди. У шундай рафиқдирки, бировларни ғийбат қилмайди. Унинг қатларида барча илму-амаллар мужассамдирки, ҳар биримизни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ этади.

Энди айтинг, кимларнингдир неча-неча тунларни тонгга улаб, машаққатли меҳнати, тинимсиз ижод маҳсули эвазига дунё юзини кўрган шундай дурдоналар қайсидир қадр билмас, ичкиликбоз инсонларнинг ювуқсиз қўлларида озор чекиб юриши кимни ҳам ранжитмайди дейсиз.

Ўз ҳолимизга қўймай зўрлаб китобни бурнимиз тагигача суқаётган «китобсотарлар»дан иккита адабиётни харид қилдик. Улар китоб пулини чўнтакка эмас, буфетчининг олдига ташлашди.

—Қани юз элликтадан қуй.

Уриштириб ичишди. Ҳатто газак ҳам қилмай чиқиб кетишди. Улар қўлларидаги китоблардан биттаси сирғалиб ерга тушиб қолганини ҳам сезишмади. Кимдир дарҳол бориб китобни ердан кўтариб олди-да артиб-тозалаб олдига қўйди.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

# САНАМАЙ САККИЗ ДЕМА

Йўл юрган одам турли-туман воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади. Тунов куни автобусда бораётган эдик. Олдинги ўриндиқда ўтирган ясан-тусан кийиниб олган ёшгина жувон чипта олмоқчи бўла туриб чўнтакларини бирма-бир кавлаб чиқдида, тўсатдан бақириб қолди.

— Вой ўлмасам, пулим йўқ,— у шундай дея олдида тик турган йигитга ёпиша кетди.

— Сен олгансан, ҳозир бер пулимни. Бўлмаса кунингни кўрсатаман.

— Туҳмат қилманг опа, — деди йигит бу ўринсиз таънадан хижолат тортиб.

— Ҳой ука, томошабин бўлиб турмай берироқ келсангизчи, куппа-кундуз куни бировни тунаб кетса ҳам индамай тураверасизми? — дея жувон автобус салонида бораётган милиция формасидаги йигитни ёрдамга чақирди.

Орага милиция аралашди. У кела солиб «Мен олганим йўқ, бу туҳмат ахир», деганига қарамай йигитнинг қўлидан тутди.

— Опажон, билиб-билмай бировга осилавермай олдин қўлингиздаги сумкангизни ҳам яхшилаб қаранг. Кўриб турибман бу йигит бегуноҳ. Ахир сиз ўриндиқда ўтирган бўлсангиз, тик турган одам қандай қилиб сизнинг чўнтагингиздан ҳамёнингизни олиб қўяди, — гапга аралашди унинг орқасидаги ўриндиқда ўтирган ёшгина аёл.

— Сиз ёнини олмай қўя қолинг. Булар шунақа устаси фаранг бўлиб кетишган, — жерка туриб сумкасини титкилай кетди «жабрдийда» аёл. Кейин у бирдан жимиб қолди.

— Вой ўлсин, ҳамёним сумкамда экан, — деди бўшашиб.

— Санамай саккиз дема, — деб шунга айтадиларда.

Йўловчиларнинг ўткир нигоҳига дош беролмаган аёл кейинги бекатда автобусдан тушди.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**12 МАРТ, ШАНБА**

Бугун юлдузлар воқеаларнинг кутилмаган йўналиш олиши, келажак билан учрашув, истиқболли таклифларни башорат қилади. Бугунги кун эзгу фикрлар раҳнамолик қиладиган кун. Шунинг учун ҳам ўй-фикрларингизни покланг ва истиқболлар сизга аниқ кўринади ҳамда сиз нима учун курашиш, қаерга бориш кераклигини билиб оласиз.

Кесадиган ва санчиладиган асбоблардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Бугун нўноқларча, кўпол ҳаракатлар қилиш эҳтимоли кўпроқ. Ойнинг Қўй буржида бўлиши бунга сабаб бўлади. Лекин бу бутунлай қўлни ювиб қўлтиққа уриш керак, деган гап эмас. Бугун жисмоний машқларни ўз имкониятларингизга хос оқилона ва холис муносабат билан қўшиб олиб боришингиз энг матлуб амал бўлади. Сакрашга тайёр турган қоплон рамзи бўлган Ойнинг учинчи куни шуни тақозо этади.

Агар давомли ёки такрорий тушлар кўрсангиз – улар ўнгидан келади. Тушда йўл, осмон, дарахтлар ёки қариндошларни кўриш яхшиликлардан далолат.

Бошдан-оёқ янги либослар кийиш, сариқ, кўкъяшил рангларни афзал кўриш маъқул. Қизил, заргалдоқранг ва сиёҳранг тусли кийимларни кейинроққа олиб қўйинг.

**БУГУН:**

кундалик ишни давом эттириш;

энг муҳим қарорларни мустақил қабул қилиш, лекин уларни бугуннинг ўзида ҳал қилишга уринмаслик;

кунни ўз-ўзингизни жисмоний камолотга эриштириш билан машғул бўлиб ўтказиш;

дўстларингизга, қариндошлар ва ҳатто бегоналарга қўмаклашиш;

ўз ижодий қобилиятингиздан оқилона фойдаланишингиз тавсия этилади.

Жиддий хатти-ҳаракатларга йўл қўйиш, ҳар нарсани ичига солавериш, шубҳа-гумонларга берилиш, шахсий муносабатлар асосида қандайдир амалларга қўл уриш тавсия этилмайди.

**13 МАРТ, ЯКШАНБА**

Сўнгги кунларда астрологик фон танглиги бирмунча ортиб бориши беғамларча дам олишни эмас, балки юзага келган вазиятда ягона тўғри йўлни топишга ундайди. Бошқа ҳар қандай машғулот ишончли ва манфаатли бўлолмайди.

Кўпроқ вақтингизни оилага, уй-рўзғор ишларига бағишлаганингиз маъқул. Оғир уй ишлари, катта ёшли қариндошлар билан ҳал этилмаган муаммолар сизни ҳозирги фаолиятингиз бош мақсадидан чалғитмаслиги керак. Эски аразлар, хотиралар ақлингизни хира торттирмасин, оғир-вазмин бўлинг, ўз хатти-ҳаракатларингизни кўзлаган мақсадингиза бўйсундиришга уринг.

Бугун сартарошхонага ташриф буюриш ва соч олдириш учун жуда қулай кун. Либослар, санъат асарларини сотиб олиш мумкин.

**Ойнинг тўлишиб боришини ҳисобга олиб:**

— узоқ истиқболни кўзлайдиган янги ишларни бошлаб юбориш;

— йўқолган нарсалар, одамлар ва жониворларни излашга киришиш;

— ўз кийимингиз, пойабзалингиз ва ташқи кўринишингиз ташвишини қилиш;

— ҳовузга, ҳаммомга бориш, уйда кранни таъмирлаш (сув билан боғлиқ ҳар қандай иш омад келтиради) тавсия этилади.

Дўстларингиз, ака-укаларингиз ва опа-сингилларингиз билан жанжаллашиш, ўз фикр ва тассуротларингизни тўғридан-тўғри ва қўпол ифодалаш; томоқ, қорин, беллардаги оғриқ аломатларига беэътибор бўлишдан ўзингизни асранг.

**14 МАРТ, ДУШАНБА**

Плутондан чиқадиган энергия оқимининг Қуёш нурлари билан тўқнашуви табиатдаги кутилмаган маккорликлар билан ҳам, шунингдек оломон ичидаги ноўрин можаролар билан ҳам намоён бўлиши мумкин. Шу асосда кўпчилик кишиларда димоғдорлик пайдо бўлиб, атрофдагиларга эътирозлар қўпол ва кескин шаклда баён этилади.

Бундай ҳолатлардан енгил қутулиш учун фақат ўзингизда эмас, балки бошқаларда ҳам шахсий фазилатларни кўра билишингиз керак бўлади.

Бугун йўлда бўлиш, молия билан, капитал қўйилмалар билан боғлиқ ишларни бошлаб юбориш омадли бўлади. Спорт мусобақаларида қатнашиш, жанговар кураш санъати билан шуғулланиш ҳам манфаат келтиради. Фақат бир нарсага - бошлаган ҳар қандай ишингизни охирига етказишга ҳаракат қилишингиз шарт.

**БУГУН:**

— ўзингиз яхши уддалайдиган ишлар билан шуғулланишни давом эттиринг;

— севган кишингизга кўпроқ эътибор қилинг;

— ёқимли таассуротлар олиш, руҳий мувозанатни тиклаш;

— саёҳатга жўнаш, транспорт муаммоларини ҳал этиш;

— эзгуликка интилиш тавсия этилади.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2865 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-208. 1 2 3 4 6